

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

МУРАТОВ ШУКРУЛЛО АБДУРАИМОВИЧ

**ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН КЕЛАДИГАН
ДАРОМАДНИНГ ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИГА ТАЪСИРИНИ
БАҲОЛАШ**

08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2023 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)

Муратов Шукрулло Абдураимович

Томорқа хўжаликлари фаолиятдан келадиган даромаднинг оилалар фаровонлигига таъсирини баҳолаш.....5

Муратов Шукрулло Абдураимович

Оценка поступающих доходов на приусадебных хозяйствах во благосостояние семей25

Muratov Shukrullo Abduraimovich

Assessment of impact of revenue small households (tomorka) farm activity on family well-being49

Эълон қилинган ишлар рўйхати.....53

Список опубликованных работ

List of published works

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

МУРАТОВ ШУКРУЛЛО АБДУРАИМОВИЧ

**ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН КЕЛАДИГАН
ДАРОМАДНИНГ ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИГА ТАЪСИРИНИ
БАҲОЛАШ**

08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2023 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/Iqt2888 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳасанов Шавкат Турсунқулович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эгамбердиев Фармонқул Турсунқулович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Самиева Гулноза Тохировна,
иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSC.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiiame.uz.

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiiame.uz.

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди
(2023 йил _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А.Чариев,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор.

И.Юнусов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д. (PhD),
доцент

Н.С.Хушматов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сиёсатининг негизида қишлоқларда меҳнатга лаёқатли аҳолини, айниқса камбағал оила аъзоларини иш билан бандлигини таъминлашда қишлоқ хўжаликлари фаолияти кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2015 йилда БМТ томонидан 2030 йилгача инсонлар ҳаётини яхшилаш учун барқарор ривожланишнинг 17 та глобал тараққиёт мақсадлари қабул қилинди¹. Ушбу мақсадлар қашшоқлик ва очликни йўқотиш, саломатлик ва фаровонлик, тоза ичимлик суви ва канализация, арзон ва яшил энергия, муносиб меҳнат шароитлари ва иқтисодий ўсиш, тенгсизликни камайтириш каби қатор масалаларни қамраб олган. Мазкур глобал мақсадларни амалга ошириш бевосита қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларини мутаносиб равишда ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва муассасалари томонидан қишлоқ аҳолиси фаровонлигини ошириш, камбағалликни камайтириш борасида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишда қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларини ривожлантириш, тармоқни барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги фаолиятига инновацион технологияларни жорий этиш асосида қишлоқ аҳолисининг қишлоқ хўжалиги фаолиятдан келадиган даромадини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш занжирини ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини ошириш, оила фаровонлиги ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда баҳолаш каби илмий-тадқиқот йўналишлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, оила фаровонлигини ошириш масалалари таркибий ислохотларнинг устувор вазифаларидан саналади. 2001 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури томонидан ишлаб чиқилган Инсон тараққиёти индексига кўра, Ўзбекистон 2018 йилда 189 мамлакат ичида 108-ўринни эгаллаган. Инсон тараққиёти индекси кўрсаткичи 0,710 коэффициентни ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 19,2 фоизга ошган². Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатдаги камбағаллик чегарасидан пастроқда яшовчи аҳолининг улуши жами аҳолининг 11,4 фоизни³ ташкил этгани ҳолда 2009 йилга нисбатан 8,1 фоизга камайган⁴. Аммо, бугунги кунда иқтисодий фаол аҳолининг 9,0 фоизи ёки 1,4 миллионга яқини ишсиз, аёллар ва ёшлар ўртасида ушбу кўрсаткич мос равишда 12,5 ва 14,9 фоизни ташкил қилмоқда⁵. Шу боис, аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилаш учун томорқа хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларини ривожлантириш

¹ <https://www.wfp.org/zero-hunger> – Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури сайти

² http://hdr.undp.org/sites/all/themes/hdr_theme/country-notes/UZB.pdf - Human Development Report 2019

³ <https://www.adb.org/publications/basic-statistics-2020> - Asian Development Bank (ADB)

⁴ <https://stat.uz/uz/ochiq-malumotlar> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.// Халқ сўзи, 2020 йил 24 январ.

заруратини келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан томорқа хўжаликлари фаолиятидан келадиган даромадларга таъсир этувчи омиллар боғлиқлиги ва улар орасидаги муносабатлар, қишлоқ оилаларида томорқа фаолиятидан олинган даромадга ноқишлоқ хўжалиги фаолиятидан келадиган даромадлар таъсирини, умуман олганда қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш бўйича илмий-амалий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон “Иқтисодийни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307-сон “2022-2026-йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оила фаровонлигини оширишда қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан олинган даромадларни ошириш имкониятлари ва уларнинг шаклланиш манбалари, оила аъзоларининг ноқишлоқ хўжалиги фаолиятида бандлигини ривожлантириш имкониятлари, қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари, қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан келадиган даромадларнинг оила харажатларига таъсирини аниқлаш бўйича Giannakis, Efstratoglou, Antoniadis, Long, Stifel Möllers, Buchenrieder, Davis, Winters, Reardon, Stamoulis, Hoang, Pham, Ulubaşoğlu, Suess-Reyes, Fuetsch⁶ ва бошқа хорижий иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Мамлакатимизда қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қишлоқ

⁶ Giannakis E., Efstratoglou S., Antoniadis A. Off-farm employment and economic crisis: evidence from Cyprus //Agriculture. – 2018. – Т. 8. – №. 3. – С. 41.; Long H. et al. The allocation and management of critical resources in rural China under restructuring: Problems and prospects //Journal of Rural Studies. – 2016. – Т. 47. – С. 392-412.; Stifel D. The rural non-farm economy, livelihood strategies and household welfare //African Journal of Agricultural and Resource Economics. – 2010. – Т. 4. – №. 311-2016-5532. – С. 82-109.; Möllers J., Buchenrieder G. Effects of rural non-farm employment on household welfare and income distribution of small farms in Croatia //Quarterly Journal of International Agriculture. – 2011. – Т. 50. – №. 892-2016-65199. – С. 217-235.; Davis B., Winters P., Reardon T., Stamoulis K. Rural nonfarm employment and farming: household-level linkages //Agricultural Economics. – 2009. – Т. 40. – №. 2. – С. 119-123.; Hoang T. X., Pham C. S., Ulubaşoğlu M.A. Non-farm activity, household expenditure, and poverty reduction in rural Vietnam: 2002–2008 //World Development. – 2014. – Т. 64. – С. 554-568.; Suess-Reyes J., Fuetsch E. The future of family farming: A literature review on innovative, sustainable and succession-oriented strategies //Journal of rural studies. – 2016. – Т. 47. – С. 117-140.

хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларида бандлик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй хўжалигида оила даромадини ошириш имкониятлари, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш йўналишлари билан боғлиқ муаммолар У.Умурзаков, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, Ш.Ҳасанов, Ғ.Санаев, Б.Султанов, Ғ.Самиева, И.Рустамова, З.Артиков, Х.Мамадалиева, Б.Беркинов, М.Мухитдинова⁷ ва бошқа иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Аммо, ноқишлоқ хўжалиги фаолиятдан келадиган даромадларнинг томорқа хўжаликлари даромадига таъсирини иқтисодий баҳолаш, томорқа хўжаликлари даромади билан унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик, уларнинг бир-бирига муносабатини ўрганиш масалалари алоҳида тадқиқот предмети сифатида чуқур ўрганилмаган. Шу жиҳатдан ушбу йўналишга доир илмий-амалий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда Ўзбекистон Республика Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026-йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-307-сон Қарори 7-иловасига мувофиқ “Инновацион ресурстежамкор кичик ёпиқ майдон” стартап инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади томорқа хўжаликлари фаолиятдан келадиган даромаднинг оилалар фаровонлигига таъсирини иқтисодий баҳолаш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ аҳолиси фаровонлиги ҳамда унга таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

томорқа хўжаликлари ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан келадиган даромадларнинг оила фаровонлигига таъсирини баҳолаш бўйича мавжуд услубий ёндашувларни тадқиқ этиш;

қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларини ривожлантириш ҳолатига баҳо бериш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

⁷ Умурзаков У.П., Рахмонов Ш.К. Ноқишлоқ хўжалик корхона объектлари учун ер ажратишга индивидуал ёндашиш. //Irrigatsiya va Melioratsiya. – 2016. – №. 4. – С. 67-68.; Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. – Т., Шарқ, 2006. – с 479.; Hasanov Sh., Sanaev G. Non-farm employment trends and policy in rural areas of Samarkand region (Uzbekistan). – Discussion Paper, 2018. – №176.; Султанов Б.Ф. Бозор муноабатларига ўтиш шароитида қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: дис... и.ф.н. – Т.: 2001 й.; Самиева Ғ. Деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш йўналишлари: дис... авт. и.ф.н. (PhD) – Т.: 2019 й.; Рустамова И. Аграр соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асослари: дис... авт. и.ф.д. (DSc) – Т.: 2020 й.; Артиков З. Савдо хизматини такомиллаштириш орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш йўллари: дис... авт. и.ф.н. (PhD) – Самарқанд, 2020 й.; Мамадалиева Х.Х. Ўзбекистонда оила ривожланишининг ижтимоий-демографик хусусиятлари: дис... авт. и.ф.д. (DSc) – Т.: 2019 й.; Беркинов Б.Б. Уй хўжалиги иқтисодиёти. Т.: Фан ва технология. 2014. 76.; Мухитдинова М.З. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг иқтисодий механизими: дис... авт. и.ф.н. (PhD) – Т.: 2023 й.

қишлоқ оилалари фаровонлигига таъсир этувчи қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан келадиган даромадлар таъсирини иқтисодий баҳолаш;

томорқа хўжаликлар даромади билан унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик ва муносабатларни тест натижасида аниқлаш;

қишлоқ аҳолиси томорқа хўжаликлари даромадига ноқишлоқ хўжалиги фаолиятдан келадиган даромадлар ва инновациялар таъсирини иқтисодий баҳолаш;

томорқа хўжаликлари даромади қишлоқ оилалари фаровонлигини оширишга ҳамда қишлоқ аҳолисининг қишлоқ (томорқа) хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларида бандлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан олинган номинал умумий даромаднинг 2026 йилгача бўлган прогнози параметрларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилояти томорқа хўжаликлари танлаб олинган.

Тадқиқот предметини томорқа хўжаликлари фаолиятдан келадиган даромаднинг оилалар фаровонлигига таъсирини баҳолаш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида монографик ўрганиш, таққослама таҳлил, статистик тест (χ^2 , Kendall's tau-b) ва эконометрик моделлаштириш, математик Омилли таҳлил (FA – “Factor Analysis”) модели ва Яширин гуруҳ таҳлили (LCA – “Latent Class Analysis”) моделлари усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топган:

оила фаровонлигини “ижтимоий фаровонлик”, “иқтисодий фаровонлик” ва “ижтимоий-иқтисодий фаровонлик” индекс кўрсаткичлари асосида баҳолаш бўйича услубий ёндашув таклиф этилган ҳамда қишлоқ инфратузилмалари хизматларининг таъминланганлик даражасини “паст” ва “юқори” мезонлари ишлаб чиқилган;

томорқа хўжаликлари даромадига инновациялар таъсирини баҳолаш асосида қишлоқларда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз, кам таъминланган оилаларнинг бандлиги ва даромадлигини оширишга асос яратувчи инновацияларни жалб қилиш механизми таклиф этилган;

қишлоқ инфратузилмаларини ривожлантиришнинг оила ижтимоий-иқтисодий фаровонлигига таъсири баҳоланган ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастурларини қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятлари мутаносиблигини таъминлаш асосида такомиллаштириш таклиф этилган;

Самарқанд вилояти туманлари аҳолиси жон бошига қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан олинган номинал умумий даромаднинг 2026 йилгача бўлган прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳудудларни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг қиш-

лоқни ижтимоий фаровонлигига таъсири баҳоланган ва ушбу дастурни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

худудларда ноқишлоқ хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш асосида оила аъзоларининг қишлоқда бандлигини таъминлаш таклифи ишлаб чиқилган;

инновацияларни самарали бошқариш асосида томорқа хўжаликлари даромадини ошириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва хориж иқтисодчи олимларининг оилалар фаровонлигига қишлоқ (томорқа) хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан келадиган даромадлар таъсирига доир илмий-тадқиқот ишларидаги илмий-услубий натижаларга таянилганлиги, маълумотларнинг узок муддатлилиги ва расмий манбалардан олинганлиги, Самарқанд вилояти туманлари кесимида оилалардан тўпланган сўровнома маълумотларига асосланганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқларда оилаларнинг томорқа хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан келадиган даромадларни иқтисодий баҳолаш, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги, қишлоқларда оила аъзоларининг ноқишлоқ хўжалиги фаолиятида бандлигини таъминлашдаги омиллар таъсир даражасини аниқлаш ҳамда мазкур йўналишда бағишланган тадқиқот ишларида фойдаланиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти томорқа хўжаликлари даромадини ошириш ҳамда қишлоқларда “Обод маҳалла” давлат дастурини ишлаб чиқиш, ноқишлоқ хўжалиги фаолиятини барқарор ривожлантиришда стратегик чора-тадбирларни режалаштириш, фаолиятга оид илмий, услубий-амалий, ташкилий ва ҳуқуқий меъёрларни, шунингдек олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Томорқа хўжаликлари фаолиятидан келадиган даромаднинг оилалар фаровонлигига таъсирини баҳолаш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

оила фаровонлигини “ижтимоий фаровонлик”, “иқтисодий фаровонлик” индекс кўрсаткичлари асосида баҳолаш бўйича услубий ёндашув Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 6 майдаги 05/34-05/2092-сон маълумотномаси). Натижада, Самарқанд вилояти қишлоқларида “Обод маҳалла” давлат дастурларининг амалга ошириш “ижтимоий фаровонлик индекси”, “иқтисодий фаровонлик индекси” ва “ижтимоий-иқтисодий фаровонлик индекси”ни мос равишда 0,168:0,157:0,237 коэффициентга ошишига олиб келиши асосланган;

томорқа хўжаликлари даромадига оила бошлиқларининг ноқишлоқ хўжалиги фаолиятида банд бўлиши ва томорқа хўжалик аъзолари томонидан фаолиятга жорий этилган инновациялар таъсирини иқтисодий баҳолаш борасида берилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 6 майдаги 05/34-05/2092-сон маълумотномаси). Натижада, томорқа ер эгалари томонидан томорқачиликда инновациялардан фойдаланиш ҳисобига олинган даромадни 26,8 фоизга ошириш имкониятининг мавжудлиги асосланган;

қишлоқ инфратузилмаларини ривожлантиришнинг оила ижтимоий-иқтисодий фаровонлигига таъсирини баҳолаш бўйича берилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 6 майдаги 05/34-05/2092-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ инфратузилма хизматлари индексининг 1 коэффицентга ошиши оила бошлиғини ноқишлоқ хўжалиги фаолиятида банд бўлиш қарорини 32,8 фоизга ошириши асосланган;

Самарқанд вилояти туманлари аҳолиси жон бошига қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан олинган номинал умумий даромаднинг 2026 йилгача бўлган прогнози Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 6 майдаги 05/34-05/2092-сон маълумотномаси). Натижада, 2026 йилда аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан олинган номинал умумий даромаднинг прогноз қиймати 14416,7 минг сўмни ташкил этиши, 2021 йилга нисбатан 4563,5 минг сўмга, ёки 146,3 фоизга ошиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 5 та халқаро, 3 та республика доирасидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда жами 8 та илмий мақола, шундан 7 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган бўлиб, жами 131 саҳифада баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, фойдаланилган тадқиқот усуллари баён этилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши ёритилган ҳамда нашр қилинган ишлар ва диссертация ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Томорқа хўжаликлари фаолиятидан келадиган даромад ва оила фаровонлиги ўртасидаги боғлиқликнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида уй хўжалиги, оила, деҳқон ва томорқа хўжаликларининг моҳияти, хусусиятлари, оила фаровонлиги ва даромади ўрта-

сидаги боғлиқлик ва унга турли омиллар таъсирининг илмий-назарий жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, томорқа хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан келадиган даромадлар ва оила фаровонлиги ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар таҳлил этилган.

Маълумки, қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоси доирасидаги тадқиқотларда қатор атамаларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, “Уй хўжалиги”га атамасига таъриф берилганда, унинг “оила”га нисбатан кенгроқ тушунча⁸ эканлиги эътироф этилади. Яъни, “Уй хўжалиги” оиланинг даромади ва харажати ўзида ифодаловчи фаолият бўлиб, қишлоқ аҳолисининг деҳқон ва томорқа хўжаликлари, оилага тегишли бўлган даромад келтирадиган мулклардан фойдаланиши борасида уй ишлари йиғиндиси дир. “Уй хўжалиги”нинг асосий функцияси – инсон салоҳиятини такрор барпо этиш ҳисобланса, “оила”да инсонни такрор барпо этишдир⁹. Албатта, оилада инсонни ва унинг салоҳиятини такрор барпо этиш оила даромадига боғлиқ бўлади. Оила даромади – иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, оила аъзоларининг маълум вақтда бирор бир фаолият натижасида пул ва натура кўринишда олган даромадларини ифодалайди. Умуман олганда, оила даромадлари қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан келадиган даромадларни ўз ичига олади. Қишлоқда томорқа хўжаликлари даромадига нисбатан ноқишлоқ хўжалиги фаолиятидан келадиган даромаднинг оила фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгаллиги иқтисодчи олимлар томонидан илмий асосланган¹⁰.

Шунингдек, қишлоқ аҳолиси сонининг ошиши томорқа экин майдонлари қисқаришига, натижада оилада меҳнатга лаёқатли аҳолини ноқишлоқ хўжалиги фаолиятида банд бўлишга “ундайди”. Бироқ, қишлоқларда экин майдонлари оз бўлган оила аъзоларининг ноқишлоқ хўжалиги фаолиятида банд бўлиши оилага юқори даромад олиш имконини беради. Гарчанд, қишлоқларда ноқишлоқ хўжалиги фаолияти ривожланиши томорқа ер майдони ҳажмига таъсир кўрсатсада, фаолиятдан келадиган даромадни камайтирмайди, фаолият самарадорлигига туртки бўлади ва оила даромадини оширишда муҳим омилдир.

Оиланинг ҳар икки даромад манбаи уларнинг фаровонлигига таъсир кўрсатади. Ушбу таъсир даражасини аниқлаш, энг аввало “фаровонлик” атамасининг асосий мезон ва кўрсаткичларини танлашни талаб этади. Зеро, оимларнинг фикрича, аҳоли фаровонлиги – аҳолининг истеъмол қиладиган ҳаётий неъматларнинг миқдори ва сифатини, ҳаёт кечиришининг умумий шарт-шароитлари ҳолатини ифодалаб, уни қамров жиҳатдан шахс, оила, муайян ҳудуд

⁸ Беркинов Б.Б. Уй хўжалиги иқтисодиёти. Т.: Фан ва технология. 2014. 76

⁹ Мухитдинова М.З. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг иқтисодий механизми. дис. ... авт. и.ф.н. (PhD). – Т.: 2023 й.

¹⁰ Barrett C. B., Reardon T., Webb P. Nonfarm income diversification and household livelihood strategies in rural Africa: concepts, dynamics, and policy implications // Food policy. – 2001. – Т. 26. – №. 4. – С. 315-331. Michailidis, D. Laz-aridou. Non-farm Employment: A Key Challenge to Achieve Zero Hunger. Copyright Information Springer Nature Switzerland AG 2020.

ва миллий фаровонликка ажратиш¹¹ни тавсия қилишган. Оила фаровонлиги эса, бу – оилада оила аъзоларининг эҳтиёжини қондиришга қаратилган, истеъмол қиладиган маҳсулот ва хизматларнинг миқдори ва сифатини, ҳаёт кечиришининг умумий шарт-шароитлари ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуи бўлиб, оила мулки, оиланинг истеъмол харажатлари ва ҳудуднинг инфратузилма ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар билан изоҳланади.

Юқоридаги қайд этилган илмий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда аҳолининг ҳаёт фаровонлиги қамров жиҳатдан оила ва қишлоқ фаровонлигига ажратилган ҳолда, уларга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш муҳимдир. Ўз навбатида, оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати унинг ижтимоий ва иқтисодий фаровонлигини ифодалайди (1-расм).

Бунда, оила аъзоларининг фаровон яшашига узок муддат хизмат қиладиган, бироқ даромад келтирмайдиган оила мулклари ижтимоий фаровонликни, оила аъзолари томонидан истеъмол ва ноистеъмол товар ҳамда хизматларга қилинган харажатларни оиланинг иқтисодий фаровонлигини ифодаловчи кўрсаткичлар сифатида танланди. Шундан келиб чиққан ҳолда оила фаровонлигига томорқа хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан келадиган даромадлар таъсирини баҳолаш бўйича мавжуд услубий ёндашувлар таҳлилидан келиб чиқиб, омиллар таъсирларини комплекс, яъни “Ижтимоий фаровонлик”, “Иқтисодий фаровонлик” ва “Ижтимоий-иқтисодий фаровонлик” индекс кўрсаткичлари асосида баҳолаш таклиф этилган. Шунингдек, қишлоқ инфратузилмалари хизматларининг таъминланганлик даражасини “паст” (0,437 коэффицент) ва “юқори” (“0,438-1 коэффицент) мезонлари ишлаб чиқилган.

Қишлоқ инфратузилмалари хизматларининг таъминланганлик индекси қуйидаги формула бўйича аниқланди:

$$P[Y_i = y_i | X_i = x_i] = \sum_{c=1}^K \gamma_{c_i}(X_i) \prod_{m=1}^M \prod_{r_m=1}^{R_m} \rho_{mr_m|c}^{I(y_m=r_m)}$$

Бу ерда: Y – умумий респондентларнинг мумкин бўлган вектор ифодасининг жавоб шакли;

y – маълум бир респондентнинг жавоб намунасини ифодалайди;

X – умумий ўзгарувчиларнинг вектор ифодаси;

x – маълум бир ўзгарувчининг вектор ифодаси;

c – гуруҳлар; γ – c чи яширин гуруҳга аъзолик эҳтимоли;

r_m ($r_m = 1, 2, 3, \dots, r_m$) – ўзгарувчилар варианты;

m ($m = 1, 2, 3, \dots, M$) – ўзгарувчиларнинг гуруҳ кўрсаткичи;

$\rho_{mr_m|c}^{I(y_m=r_m)}$ – ўзгарувчиларнинг гуруҳ кўрсаткичига (m) вариант эҳтимоли

(r_m) гуруҳ аъзолик шarti (c) билан.

¹¹ Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. – Т., Шарқ, 2006. – с 479. Артиков З. Савдо хизматини такомиллаштириш орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш йўллари: дис. ... авт. и.ф.н. (PhD). – Самарқанд, 2020 й.



1-расм. Қишлоқ аҳолисининг ҳаёт фаровонлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи¹²

¹² Муаллиф ишланмаси

Диссертациянинг “Қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларини ривожлантириш ҳолати ва унинг оила фаровонлигига таъсирини баҳолаш” деб номланган иккинчи бобида Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларини ривожлантириш ҳолатига баҳо берилган ва мавжуд тенденциялар аниқланган, шунингдек, томорқа хўжаликлари даромадига таъсир этувчи омилларнинг боғлиқлиги тадқиқ этилган ҳамда оиланинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигига таъсир этувчи омиллар иқтисодий баҳоланган. Таҳлиллар кўрсатишича, 2022 йилда Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги ер майдони 1299,5 минг гектарни, шундан 429,1 минг гектари экин майдонлардан ташкил топган. Вилоятда қишлоқ аҳолиси сонининг йиллар давомида ўсиб бориши, аҳоли жон бошига томорқа ер майдонлари ҳажмининг камайишига олиб келмоқда. Хусусан, 2022 йилда 2017 йилга нисбатан қишлоқ аҳоли сони 114,3 фоизга ошгани ҳолда ўртача бир нафар қишлоқ аҳолиси ҳисобига томорқа ер майдони 7,1 фоизга, шунингдек, қишлоқ аҳолиси сонининг ошишига оилаларнинг 127,8 фоизга ошиши таъсир кўрсатгани ҳолда ўртача бир оила ҳисобига томорқа ер майдони 16,9 фоизга камайган.

Шунингдек, томорқа ер эгалари томонидан ер майдонларини оила аъзолари учун уй-жой қуриш учун бўлиб берилиши натижасида уй хўжаликлари сони ошган. Ваҳоланки, қишлоқларда уй хўжаликлари сонининг ошиши томорқа хўжаликлари экин майдонлари ҳажмининг камайишига таъсир кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал.


Самарқанд вилоят қишлоқ аҳолиси ва томорқа хўжаликлари сони ўзгариш динамикаси, (2017-2022 йй.)¹³

№	Кўрсаткичлар	Йиллар						2022 йил 2017 йилга нисбатан ўзгариши, %
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	
1.	Қишлоқ аҳолиси, минг киши	2278,9	2329,3	2384,2	2439,1	2548,2	2605,2	114,3
2.	Оилалар сони, минг бирлик	663,3	730,3	755,3	777,3	799,7	847,6	127,8
3.	Уй хўжаликлари сони, минг бирлик	458,1	465,5	472,2	481,4	491,3	498,7	108,9
4.	Томорқа ер эгалари сони, минг бирлик	533,7	545,9	566,7	598,7	622	638,3	119,6
5.	Томорқа ер майдони, минг гектор	59,6	60,8	61,5	62,7	63,2	63,31	106,2
6.	Томорқа ер майдони, сотих							
-	Ўртача 1 томорқа ер эгаси ҳисобига	11,17	11,14	10,85	10,47	10,16	9,92	88,8
-	Ўртача 1 оила ҳисобига	8,99	8,33	8,14	8,07	7,90	7,47	83,1
-	Ўртача 1 уй хўжалиги ҳисобига	13,01	13,06	13,02	13,02	12,86	12,70	97,6
-	Ўртача аҳоли жон бошига	2,62	2,61	2,58	2,57	2,48	2,43	92,9

¹³ Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг 2017-2022 йиллар маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар ўз навбатида томорқа хўжаликларидида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар ҳажми, аҳоли жон бошига умумий даромад ва истеъмол харажатларига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, Самарқанд вилоятида охириги йиллар давомида аҳоли жон бошига умумий даромад ва истеъмол харажатлари ошган. Яъни, аҳоли жон бошига умумий даромад 2022 йилда 2017 йилга нисбатан 2 баробарга ошганлигини кўриш мумкин. Қишлоқ оилаларида истеъмол харажатларининг 60 фоиздан ортиғи озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли харажатларига тўғри келмоқда. Ушбу ҳолат коронавирус пандемия давридан кейин ҳам кузатилган (2-расм).



2-расм. Самарқанд вилоятида аҳоли даромадлари ва харажатлари кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси, (2017-2022 йй.)¹⁴

Ваҳоланки, йиллар давомида аҳоли жон бошига умумий даромаднинг ўсиши кузатилган бўлсада, оилаларда ноозиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли харажатлари камайган. Коронавирус пандемия даврида аҳоли даромадларининг камайиши, оила хўжаликларининг бирламчи эҳтиёжларини қондириш, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли харажатларини оширган.

Қишлоқларда томорқачиликдан олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори оила хўжаликлари озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолатга баҳо беришда, яъни томорқа хўжаликлари даромадига таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш мақсадида вилоятдан тасодифий танлаш усули орқали 1428 та томорқа хўжаликлари (респондент)дан ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Томорқа хўжаликлари даромади билан томорқа хўжалиги фаолиятига сарфланган харажатлар, сабзавот экинларини етиштиришда иссиқхона (ёпиқ майдон)дан, ўсимликларнинг дурагай навларидан, экинларни суғоришда ноанъа-

¹⁴ Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг 2017-2022 йиллар маълумоти асосида муаллиф ишланмаси.

навий усуллардан, фойдали энтомафаг ёки пестицидлардан фойдаланиш ҳамда оила бошлигининг асосий даромади ноқишлоқ хўжалиги фаолиятдан келадиган даромадлар ташкил этилиши ва маълумоти ўртасидаги боғлиқлик 1 фоиз ($p < 0,01$)ликда статистик аҳамиятга эга бўлиб, мос равишда даромаднинг ўзгаришига 14,61:12,69:13,1:9,73:-8,71:19,76:26,29 фоиз таъсир кўрсатиши аниқланди. Шунингдек, томорқа ер эгалари томонидан юқори маҳсулдорли чорва мол(лар)нинг боқилиши томорқа хўжаликлари даромади билан 5% ($p < 0,05$)ликда статистик аҳамиятга эга бўлиб, фаолиятдан келадиган даромаднинг ошишига 5,67 фоизга таъсир кўрсатар экан.

Шу ўринда, таҳлил натижалари томорқа хўжаликлари фаолиятдан олинган даромад бевосита оила даромадига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Сўровнома маълумотлари таҳлиliga кўра, қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларида келадиган пул ва натура шаклдаги даромадлар оила умумий даромадининг 51,2 фоизини, томорқа хўжаликлари фаолиятида олинган даромад 18,2 фоизини, тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад 7,8 фоизини, мулкни ижарага беришдан келадиган даромад 1,1 фоизини ташкил этганлигини кўриш мумкин. Умумий олганда, қишлоқларда оилаларда даромаднинг диверсификацияланиши, яъни қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан келадиган даромадлар оиланинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини оширишга олиб келишини кўриш мумкин. Шунингдек, қишлоқларда инфратузилма хизматлари сифат даражасининг юқори бўлиши ёки бундай хизматлардан оилалар “рози бўлиши” уларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, асосий даромади ноқишлоқ хўжалиги фаолиятдан келадиган оилаларда қишлоқларда инфратузилма хизматлар сифатининг юқори бўлиши “Ижтимоий фаровонлик индекси”ни 0,088 коэффициент, асосий даромади қишлоқ хўжалиги фаолиятдан ташкил этган оилаларда эса “Ижтимоий фаровонлик индекси”ни 0,041 коэффициентга оширади.

Шунингдек, қишлоқларда инфратузилма хизматлар сифатининг юқори бўлиши, асосий даромади ноқишлоқ хўжалиги фаолиятдан келадиган оилаларда “Иқтисодий фаровонлик индекси”ни 0,08 коэффициентга, асосий даромади қишлоқ хўжалиги фаолиятдан ташкил этган оилаларда эса “Иқтисодий фаровонлик индекси”ни 0,05 коэффициентга ошириши тадқиқотлар асосида аниқланди.

Тадқиқотлар оилаларнинг “Ижтимоий фаровонлик индекси” ва “Иқтисодий фаровонлик индекси” кўрсаткичларига қишлоқда ижтимоий инфратузилма объектлари билан оила хўжаликларигача бўлган масофани ҳам таъсир этиши асосланган.

Таҳлиллардан қишлоқда оилаларнинг ижтимоий инфратузилма хизматларига яқин жойда истиқомат қилиши узоқ жойда истиқомат қилган оилаларнинг “Ижтимоий фаровонлик индекси” ва “Иқтисодий фаровонлик индекси” кўрсаткичларидан юқорилигини кўриш мумкин. Хусусан, асосий даромади ноқишлоқ хўжалиги фаолиятдан келадиган оилаларнинг ижтимоий инфратузилма хизматларига яқин жойда истиқомат қилиши узоқ масофада истиқомат қилувчи оилаларнинг “Ижтимоий фаровонлик индекси”дан 0,116 коэффициентга юқорилигини кўриш мумкин. Бу кўрсаткич асосий даромади қишлоқ хўжалиги фаолиятдан келадиган оилаларда эса, 0,112 коэффициентга юқори-

дир. Шу ўринда, асосий даромади ноқишлоқ хўжалиги фаолиятдан келадиган оилалар ижтимоий хизмат кўрсатиш объектларига яқин жойда истиқомат қилиши узоқ масофада истиқомат қилувчи оилаларга нисбатан “Иқтисодий фаровонлик индекси” 0,133 коэффициентга, асосий даромади қишлоқ хўжалиги фаолиятдан келадиган оилаларда эса 0,117 коэффициентга юқорилиги таҳлиллар жараёнида тасдиқланди.

Қишлоқларда паст даромадга эга бўлган оилалар учун инфратузилма хизматлари сифатини ошириш ёки ижтимоий инфратузилма хизматларини ривожлантириш билан уларнинг ижтимоий ёки иқтисодий фаровонлигини ошириш сезиларли даражада таъсир кўрсатмайди. Бундай ҳолатни, уларнинг таълим (саводхонлиги) даражасининг пастлиги ёки аниқ бир касб-ҳунарга эга эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Бунда, оилаларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаровонлик индексига таъсир этувчи омилларни иқтисодий баҳо бериш ёки олинган таҳлил натижаларини мустақамлаш учун Икки босқичли энг кичик квадратлар модели (*Two-Stage Least Squares*)дан фойдаланилди (2-жадвал).

2-жадвал.

Оилалар ижтимоий фаровонлигига томорқа хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан келадиган даромадлар таъсирини баҳолаш натижалари ¹⁵

Ижтимоий фаровонлик индекси			Кoeffицентлар (Стандарт хатолик)
“Обод маҳалла” дастури амалга оширилган			.168** (.079)
Оила бошлиғининг ноқишлоқ хўжалиги фаолиятида банд бўлиши			.051*** (.01)
Томорқа хўжалиги фаолиятдан олинган даромад			.011** (.007)
Оиланинг ўртача йиллик даромади			.006*** (.0)
Оила аъзолари сони			-.007** (.003)
Оила бошлиғининг ёши			0 (.001)
Оила бошлиғи жинси			.023** (.011)
Оила бошлиғи маълумоти			.093*** (.012)
Оила бошлиғининг иш фаолият ҳудуди			.07*** (.026)
Ўзгармас қиймат			-.091** (.045)
Prob > F	0.000	Chi-sq(1) P-value	0.000
Centered R2	0.6749	Weak identification test(>10)	14.037
Uncentered R2	0.9307	Sargan statistic	0.000
F(9, 1419)	424.86	Instrumented	ОМД

*** $p < .01$, ** $p < .05$, * $p < .1$

Таҳлил натижаларига кўра, қишлоқларда “Ижтимоий фаровонлик индекси”нинг ошишига оила бошлиқларининг ноқишлоқ хўжалиги фаолиятида банд бўлиши, оилаларда ўртача йиллик даромад, оила бошлиқлари маълумоти 1 фоизликда ($p < .01$) статистик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мос равишда 0,051:0,006:0,093 коэффициентга оширади. Бироқ, қишлоқ оилаларида оила аъзоларининг 1 нафарга ошиши “Ижтимоий фаровонлик индекси”ни 0,007 коэф-

¹⁵ Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

фициентга камайтиради. Сабаби, оилаларда оила аъзолари сонининг ошиши оилада кунлик истеъмол харажатларини ошишига, бироқ оила аъзолари эҳтиёжини қондирувчи узоқ муддатли “Ижтимоий фаровонлик индекси”ни белгиловчи мулкларни сотиб олиш харажатларини камайишига олиб келади. Оилаларда жорий истеъмол харажатларини ошиши оила аъзолари сонига боғлиқ бўлиб, оила аъзоларининг 1 нафарга ошиши “Иқтисодий фаровонлик индекси”ни 0,057 коэффициентга оширади (3-жадвал).

3-жадвал.

Оилалар иқтисодий фаровонлигига томорқа хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан келадиган даромадлар таъсирини баҳолаш натижалари¹⁶

Иқтисодий фаровонлик индекси			Коэффициентлар (Стандарт хатолик)
“Обод маҳалла” дастури амалга оширилган			.157** (.078)
Оила бошлиғининг ноқишлоқ хўжалиги фаолиятида банд бўлиши			.029*** (.01)
Томорқа хўжалиги фаолиятдан олинган даромад			.009*** (.001)
Оила аъзолари жон бошига ўртача йиллик даромади			.037*** (.001)
Оила аъзолари сони			.057*** (.004)
Оила бошлиғининг ёши			.002*** (.001)
Оила бошлиғи жинси			.017* (.011)
Оила бошлиғи маълумоти			.07*** (.012)
Оилада 6 ёшгача оила аъзоларининг мавжудлиги			.019** (.009)
Оилада 7-16 ёшгача оила аъзоларининг мавжудлиги			.018** (.009)
Ўзгармас қиймат			-.555*** (.047)
Prob > F	0.000	Chi-sq (1) P-value	0.000
Centered R2	0.6609	Weak identification test (>10)	13.245
Uncentered R2	0.9280	Sargan statistic	0.000
F(9, 1415)	343.66	Instrumented	ОМД

*** $p < .01$, ** $p < .05$, * $p < .1$

Шунингдек, таҳлил натижаларига кўра, оилалар “Иқтисодий фаровонлик индекси” ошишида оила бошлиғининг ноқишлоқ хўжалиги фаолиятида банд бўлиши, томорқа хўжаликлари даромади, оила аъзолари жон бошига ўртача йиллик даромад 1 фоизликда ($p < .01$) статистик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мос равишда 0,029:0,009:0,037 коэффициентга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд вилоятида аҳоли, оила ва уй хўжаликлари сони йиллар давомида ошиш ҳисобига ўртача аҳоли жон бошига, оила ва уй хўжаликлари ҳисобига томорқа ер майдонларининг камайиши тенденцияси сақланиб қолмоқда. Таҳлиллар томорқа хўжаликлари даромади оиланинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Аммо, ушбу ҳолат бевосита қишлоқ ижтимоий инфратузилмаларининг таъминоти билан ҳам боғлиқлигини кўрсатмоқда. Яъни, қишлоқ ижтимоий инфратузилмалари билан таъминланганлик даражасининг паст бўлиши оиланинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини пасайишига олиб келмоқда.

¹⁶ Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Диссертациянинг “**Томорқа хўжаликлари фаолиятдан келадиган даромадни ошириш йўналишлари**” деб номланган учунчи бобида томорқа хўжаликларини инновацион ривожлантириш асосида аҳоли даромадини ошириш имкониятлари асосланган, қишлоқларда оила даромадларини оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, 2022-2026 йиллар давомида аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятларидан олинган номинал умумий даромаднинг истиқбол прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

